

Зилола Абдукаримова

ОРЗУ ЧЕЧАГИ

Шеърлар

"ФАРҒОНА" НАШРИЯТИ
НАЗОРАТ НУСХА

Фарғона-2012

УДК: 821.512.133-1

КБК: 84 (5У)7

А 15

Абдукаримова, Зилола


Қанотли арзулар: шеърлар / З. Абдукаримова. – Фарғона:
«Фарғона», 2012. – 32 б.

*Дунёга кўнгиш кўзи ила боққан инсон ўзгалар пайқаман
мўъжизаларни кўра олади. Агар бу кўнгиш соҳиби ҳали жуда
ёш, туйғуларининг шаффоф кўзгуларига йиллар гарди юқиб
улгурмаган бўлса, олинадиган таассуротлар янада ёрқин,
янада ҳайратомуз кўриниш касб этади. Зилолаҳоннинг
кўлига ҳам шундай покиза ҳайратлар қалам тутқазган бўлса
не ажаб.*

УДК: 821.512.133-1

КБК: 84 (5У)7

ISBN 978-9943-349-53-7



© З. Абдукаримова

© «Фарғона» нашриёти. 2012

БЕГУБОР КЕЧИНМАЛАР

Ёш ижодкор Зилола Абдукаримованинг орзу чечакларидан яралган шеърый гулдастаси кўлимда. Бири биридан дилтортар, жозибали сатрлар унинг илк шеърларини ўқиганимдаёқ ўзига тортди. Аксарият шеърларида она-юртга фарзандлик муҳаббати, садоқати, бир олам орзулар билан келажак томон даядил қадам ташлаётган ёш қалб сохибасининг гўзал ва бегубор кечинмалари, ҳаётдан чиқарган илк хулосалари ўз ифодасини топган. Жумладан, ёш шоиранинг “Жонимсан, Ватан” шеъридаги:

*“Оппоқ туйғулардан кулар баётим,
Парвозга шайландим, ўзинг қанотим”*

сатрларини ўқиганингизда Истиклолдан гуллаган Ватанинг келажаги бўлган ёшларга бугунги кунда яратиб берилган имкониятлар кўз ўнгингизда намоён бўлади. Беихтиёр шукроналар келтирасиз.

Зилолахон – Ёзёвон фарзанди. У тумандаги педагогика коллежида таҳсил олиш билан бирга, келажакда халқ дардини айта оладиган, муҳаббатини куйлайдиган, юртдошлари меҳнатини ардоқлайдиган ижодкор бўлишга ҳаракат қиляпти, изланяпти.

Ёш қаламкашга шеърыйат гулшанида ўз гулзорини ярагишида омадлар ёр бўлишини тилаб қоламан.

*Муҳаббат ИБРОҲИМ қизи,
Ўзбекистон Журналистлар ижодий
уюшмаси аъзоси, шоира.*



ЖОНИМСАН, ВАТАН!

Байрогинг хилпирар, мадхинг тилимда,
Меҳр булоғимсан, мавжинг дилимда,
Маърифат гулшанин безаб илмда,
Сен ғурур, сен орим, шонимсан, Ватан,
Кўксимга қадалган жонимсан, Ватан!

Кафтингда ўйнайди оби ҳаётим,
Оппок туйғулардан кулар баётим,
Парвозга шайландим, ўзинг қанотим,
Сен ғурур, сен орим, шонимсан Ватан,
Кўксимга қадалган, жонимсан Ватан!

Сен азиз саждагоҳ, сен буюк инъом,
Сенга тасаннолар, энг ширин қалом,
Жаҳонга юз тутди ўзбек деган ном,
Сен ғурур, сен орим, шонимсан, Ватан,
Кўксимга қадалган жонимсан, Ватан!

Болам деб бошимни силаган ўзинг,
Онамсан, камолим тилаган ўзинг,
Синалган ўзингсан, синаган ўзинг,
Сен ғурур, сен орим, шонимсан, Ватан,
Кўксимга қадалган жонимсан, Ватан!

Афсонавий диёр, тилда достоним,
Шоирлар куйлаган қуёшистоним,
О, жаннат маконим, Ўзбекистоним,
Сен ғурур, сен орим, шонимсан, Ватан,
Кўксимга қадалган жонимсан, Ватан!



СЕВАМАН

О, менга аллалар куйлаган диёр,
Сенинг этагингдан қолмай келаман.
Отамдай қалқоним, онамдай хоксор,
Сени кандай бўлсанг, шундай севаман.

Кафтингдан гул тутиб, гулдай улғайдим,
Дарё, сойларингда юзларим чайдим,
Менинг энг улуғим, энг гўзал байтим,
Сени кандай бўлсанг, шундай севаман.

Бугун дилни илик туйғулар ўраб,
Рухимга дарёлар руhini сўраб,
Багрингда эркалаб, корингта яраб,
Сени кандай бўлсанг, шундай севаман.

Эй, менга аллалар куйлаган чаман,
Сенга таъзимдадир бу вужуд - бу тан,
Ватан, сенинг бирла мен ҳам ватанман,
Сени кандай бўлсанг, шундай севаман.
Сени кандай бўлсанг, шундай севаман...



ҚИШЛОҒИМ

Бағрингда ўйноқлаб шаркирайди сой,
Райхонинг ҳидлайман соғинган чоғим.
Кундан-кун тобора очяпсан чирой,
Меҳмондўст, дилкашим, она қишлағоғим.

Сенда болалигим излари қолди,
Бол ила чертилган созларим қолди,
Йўлларимни пойлаб, кўзларинг толди,
Меҳмондўст, дилкашим, она қишлағоғим.

Ариқлар лабида ялпиз бўйлари,
Қулоққа чалинар кушлар куйлари,
Файз ила тароват сочар уйлари,
Меҳмондўст, дилкашим, она қишлағоғим.

Тандир нонинг иси димоғимда бор,
Сени севиб, дилим яшнайти такрор.
Боғларинг яшнатиб, бўлдинг миришкор,
Меҳмондўст, дилкашим, она қишлоғим.



ОНА МАДҲИ

Менинг ёнимдадир ойим, куёшим,
Ёнимда сирдошим, азиз йўлдошим,
Йиқилсам, кўлимдан тутган бардошим,
Қароғида меҳр кулган яғонам,
У менинг онамдир, меҳрибон онам.

Жонимга кайишган, гулга ўхшайди,
Кўнглимни ёритган, нурга ўхшайди,
Гўёки, ердаги ҳурга ўхшайди,
Қароғида меҳр кулган яғонам,
У менинг онамдир, меҳрибон онам.

Кимларгадир гуллар тутганларим рост,
Кимнидир интизор кутганларим рост,
Сизга-чи, ғам бердим, дард бердим холос,
Қароғида меҳр кулган яғонам,
У менинг онамдир, меҳрибон онам.

Менинг ёнимдадир ойим, куёшим...



СУЯНЧ ТОҒИМ

Менинг бахтим дуоингизда,
Сиз бор, юрган йўлларим равон.
Юзингизда қуёш порлайди,
Суянч тоғим, ўзингиз қалкон.

Маржон ёнар манглайингизда,
Юзингиздан мёҳр уфурар.
Сиз лой кечиб қурган уйларда
Сийратингиз кўриниб турар.

О, отажон сиз эккан ниҳол,
Қай дилларни айлайди хушнуд.
Эл коряга ярайди бир кун,
Машаққатлар бўлади унут.

ХУШ КЎРДИК, БАҲОР

Гуллар тожин ўйноқлаб булбул,
Мадҳин куйлар такрору такрор.
Чаманларни безаб келинчак,
Хуш ифорлар таратар баҳор.

Қалдиргочнинг қанотларида
Ойдин тунлар келгандай гўё.
Субҳидамда кўз очиб қуёш,
Салом йўллар, йўллайди зиё.



Уйғонгандай олам эриниб,
Қаддин тутар аста, бемажол.
Боғлар боқар оққа беланиб,
Хуш келибсан, эй соҳибжамол.

БОЛАЛИК

Тун охирлаб бормоқда,
Шаббодалар ракс этар.
Шабнам титрар япроқда,
Қўл чўзсам, кўкка етар.

Қаламим-ла бол билан,
Ёзилади бир баёт.
Хотирамда дафъатан,
Болалик кезар, хайхот.

Ёғоч тулпор қўлида,
Ё беланчак, кўғирчок.
Қоқилар гоҳ йўлида,
Такиб олган кўзмунчок.

О, ўшал шаффоф йиллар,
Соғинчларни уйготди.
Яна жўшқин туйғулар
Қалбимда куртак отди

Соғинаман мен ҳамон,
Гўё ўнгда кўрдим туш.
Қайрилмадинг мен томон,
Олислаб кетган оққуш.



ЧИЗГИЛАР

Тонг отмоқда, замин уйғонар,
Ювилади ернинг кўйлаги.
Жаннатмакон юртимиз дилбар,
Осиёнинг эрур юраги.

Чизар аста заррин қуёшин,
Кўлга қалам олган мусаввир.
Кўз-кўз этар мажунтол сочин,
Турфа ранг-ла яралар тасвир.

Шабнам гўё яшил майсанинг
Кўзидаги шаффоф жоласи.
Келар булбул-зўр хонанданинг
Чаманлардан сирли ноласи.

Бу гўзаллик, бундай малоҳат,
Яна бордир қайси бўстонда.
Такрорланмас чизгилар, албат,
Бизнинг Ватан -Ўзбекистонда!

ТОНГ СЕВИНЧИ

Оппоқ тонглар отар, нафис, бетакрор,
Самовий нурларга беланар очун.
Тилларда шукрона, дилда қувонч бор,
Аланга олади бахт деган учкун.

Майсалар юзини ювган шалола,
Шошилиб йўл олар боғларга томон.
Қушларнинг тилида янграр тарона,
Бахтиёр кўнгилда умидлар осмон.

КУЗ МАНЗАРАСИ

Қаро тунни чорлайди оқшом,
Қўл силкитар офтобга яна.
Ой мўралар парда ортидан,
Юлдузларга тўлади саҳна...

Тин олади борлик уйқуда,
Сукунатни бузгандай шамол.
Шивирлаган бодом шохида
Ҳилпирайди бир ҳарир рўмол...

Гўё соғинч уюмларини
Ювиб қўяр булутли осмон.
Япроқлар хам титроқ лаблардай
Оғочларни кучар заъфарон...

ШУКРОНА

Кулгучларда бордир табассум,
 Сиркирайди қувончдан бағрим.
 Хёллар ҳам кезмоқда масъум,
 Дарё оқар, оқаверар жим.

Пойқадамим кутганлар ҳам бор,
 Дийдорларга албат етарман.
 Мени ёмон десалар такрор,
 Мен уларни тавоф этарман.

Омад деган учқур тулпорда
 Орзуларим масрур ўйлари.
 Оппок булут ўйнар самода,
 Уфургандай жаннат бўйлари.

Гох мастона хисларим саркаш,
 Жўшқин эрур, сўнмагай шахдим.
 Юрак урар, берганича сас,
 Шукрона дер, шу – менинг бахтим,



О, НАЙ!..

Юрагимга ёқасан,
Юрагимни ёқасан,
Ишқдан маржон тақасан,
О, най!..

Нолишинг бунча ғамгин,
Хонишинг бунча рангин.
Ювасанми дард зангин,
О, най!..

Сен кўнгиллар машшоғи,
Ошиқларнинг ушшоғи,
Соғинчларнинг адоғи,
О, най!..

Майли, янгра, куйла, жўш,
Қалбларга ҳарорат кўш,
Шундоғам дил қолди бўш,
О, най!..



БИНАФШАГА

Қай баҳорлар олиб кетди,
Ишқим қолиб кетди пинҳон
Сен йўксан, лек ҳар нафасинг
Қалбим ичра кезар ҳамон.

Юзинг ювган шалолалар
Жола бўлди кўзларимда.
Тушларимда мен билансан,
Сийратинг бор изларингда.

Хазонлардан ранжиб кўнгил,
Ҳамон исминг этар такрор.
Сўроқлайман, билмам, қачон
Сени олиб келар баҳор.

Интизорман, муштоқ кўзим,
Соғинчлардан дилим вайрон.
Кел, сочимга гуллар қада,
О, бинафша, бинафшажон.



ТУН КЎШКИДА

Деразамдан хилол мўралар,
Чорлар мени ойдин қучоғи.
Соркин тунга алланимани
Пичирлайди гулнинг япроғи.

Мендан йирок, анча нарида,
Бир ойнадан тушар хира нур.
Кўкни безар юлдузлар каби
Хаёлларим бежилов, масрур.

Қулоғимга уйқу аралаш,
Маъюс алла оҳанги кирар.
Фарзандининг тилар камолин,
Тарки ором айлаб муштипар.

Олам яна туннинг кўшида...



УМИД

Осмоннинг кўз ёши томчилаб,
Танамни аёвсиз савайди.
Кун ботиб, бу куним охирлар,
Тун каро сочларин тарайди.

Гўёки табиат мусаввир,
Гўзаллик яратар бетакрор.
Эртам ҳам, эшик оч, демокда,
Менда-чи, бугундан умид бор.

Соатнинг бонгида кўринар
Бир онлик умримнинг қиймати.
Мени не кутмокда, билмасман,
Бу ёғи тақдирнинг ҳиммати...



Зилла Абдукаримова **НАВРЎЗИМ**


Ўзбекнинг ўзлиги – меҳр айёми,
Нурафшон айлади яна самони,
Яна янгиланиш куйин замони,
Қалдирғочлар билан келдинг, Наврўзим.

Хонадонлар файзли, юртим озода,
Тотли тилаклардан кўнгиллар тоза,
Меҳмонлар учун кенг очик дарвоза,
Меҳр шамолидай елдинг, Наврўзим.

Борлиқ оқ либосда айлар табассум.
Дехқонлар тилайди ерларга унум,
Боболардан мерос кадрият, удум,
Ризку рўзни улаш энди, Наврўзим.

Ватаним кўргони чаман, боғ бўлсин,
Уйган хирмонлари гўё тоғ бўлсин,
Мени дуо қилган халқим соғ бўлсин,
Барака дуторин чертдинг, Наврўзим.

Бизга бутун олам қилмоқда ҳавас,
Меҳнатқаш халқимиз омон бўлса бас,
Гўзаллик торидан яратилган сас,
Сенга интиқ бўлди бу қора кўзим,
Қалдирғочлар билан келдинг, Наврўзим,
Меҳр шамолидай елдинг, Наврўзим.





ШЕЪРИЯТ

Шеърият, кўнглимнинг ўтли туйғуси,
Кўзларимга тўлган илоҳий бир нур.
Девона юракнинг севинч, қайғуси,
Хайратим боғида гуллаган сурур.

Киприкка илинган саркаш ёғдулар,
Сен озод оққушсан, самодан боққан.
Оппок қоғозимни безар қулгулар,
Қалам сиёҳидан чечаклар такқан.

Симириб муҳаббат гулобларидан,
Юлдузлар ёнади қайнок тафтингда.
Тонгларни уйғотдинг офтоблар билан,
Нурлари ўйноқлар ҳамон кафтингда.

Шеърият, қанотсан гўзал ҳисларга,
Эзгулик кўтарган муқаддас байроқ.
Ҳисларимни бўяб ёркин рангларга,
Кўксимда гуллаган лолақизғалдоқ.



ТУН ВА ТОНГ

Қуёш маконига йўл олар аста,
Ёгилар самодан қизғиш шуълалар.
Оламни сукунат чулғар бирпасда,
Булут пардасидан ҳилол мўралар.

Уйқуси қочдими, безовта шамол,
Заминнинг бағрида ўйнайди ҳалак.
Тебранар ҳар томон кекса мажнунтол,
Теракнинг япроғи титрар жонсарак.

Шабнамни соғинган мудроқ майсалар
Шивирлар ненидир сокин ҳавога.
Хўроз кичкиради тонгни уйғотиб,
Ассалом дегандай ҳарир сабога.

Яна олам ёруғ, бошланар ҳаёт,
Уйғонар табиат– тенги йўқ малак.
Юртим кучоғини ёритар офтоб,
Яна бошидадир гулгун чамбарак.



БИР КУНИ...

Кўксимда хазонлар ўйнаган бу дам,
Оппоқ гуллар билан тўлмиш кучоғинг.
Бегона нигоҳлар, бегона қадам,
Менга ёт рангларда безанган боғинг.

Кўлларим титрайди гунчалар тутиб,
Сархушсан булбуллар куйин тақдирлаб.
Тунларинг ўтмоқда, тонгларни кутиб,
Қайғуни хотирлаб, бахтни хотирлаб.

Сенга тасаннолар бўлсин, муҳаббат,
Сизга чексиз ҳурмат, гўзал наволар.
Зафарлар тилайман сизга ҳам албат,
Қалбим номи билан эсган саболар.

Саболардан салом йўллайди юрак,
Куз зарҳал йўлларни сайр этар ёлғиз.
Бир кун баҳорлар келганда бешак,
Балки шаббодалар эсмайди ҳиссиз.

Оппоқ гуллар билан тўлмиш кучоғинг,
Кўксимда хазонлар ўйнаган бу дам...



КЎКНИ ҚУЧИБ

Офтобнинг нурига чирмашиб олиб,
Сўнгра ловуллаган тафтидан ёнсам.
Осмон эркалатган булутлар қолиб,
Юлдузлар ёнидан ойга каролсам.

Юздаги доғларин сира кўркмасдан,
Кокилим-ла силаб, аргиб кўярдим.
Яна ерга қайтиб келганимда ман,
Юзи тинигим деб дилдан суярдим.

Зулматга бахт ато этмоқлик учун,
Рангларга бўярдим, орзудек оппоқ.
Тонг каби ёришиб кетар эди тун,
Ишқ булоғида юз юварди япроқ.

Камалак суюкли ёрим бўларди,
Мени эркаларди рухимдан қучиб.
Орзулар қанотим, кўнгил тўларди,
Кезардим дунёни оққушдек учиб.

Офтобнинг нурига чирмашиб олиб.....



БИТИРУВЧИЛАРГА

Дўстларим, ташлангиз шахдам кадамлар,
Сизга очиб берди ҳаёт эшигин.
Меҳрибон онадек устоз кўллари
Тебратди тўққиз йил мактаб бешигин.

Пойингизга гуллар тўшар поёндоз,
Олиб чуқур билим, гўзал тарбия,
Йиллар қалбингизга берди кўрк, пардоз,
Ақлингиз ўстирди ҳар бир сония.

Шодон болаликнинг ширин уйқуси
Ортада қолди энди, энтикасиз жим.
Лекин қалбингизда севинч туйғуси,
Ахир қамолотга интилмайдими ким?..

Бугун сиз катта йўл йўловчилари,
Ҳамроҳингиз бўлсин улуғ мақсадлар.
Интиласиз бахту қамолот сари,
Юртимизга керак сиздек фарзандлар.



ИЛИНЖ

Эриб кетди умиднинг шами,
Юрагим ҳам безовта, сарсон.
Қайда қолди сархушлик дамим,
Куртак ёзар қалбимда армон.

Охларимни тинглар майсалар,
Кўзларимга боқади беун.
Олисларда бир куй чалинар,
Вох, бу куй ҳам бунчалар маҳзун.

Ўз ўзимни кийнайди руҳим,
Хаёлларим тугади мотам.
Қалбимда дард, сўнган шуқуҳим,
Киприягимга илинади ғам.

Қани шу он юлдузлар келиб,
Дил қарогин ёритса эди.
Ҳилоя мени шуълага илиб,
Олиб кетсин осмонга энди...

Согинчларим ёмғирдек куйиб,
Булутларга бўлгум равона.
Наҳот кўнглим тугади куйиб,
Лек тирикман, ҳислар мастона...

Эриб кетди умиднинг шами...



ОРЗУ ЧЕЧАГИ

Бир куни бахтимнинг нафис бармоғи
Умрим дафтарини аста вароқлар.
Унутулиб кетар аламнинг доғи,
Руҳимда чарақлаб ёнар чакмоқлар.

Ҳали олис денгиз сокинлигида
Аксига боққанча оққушлар турар.
Ҳали умидларим тўкинлигида,
Кўз ёшим ичида қулар нилуфар.

Юлдуздек саноксиз орзуларимни
Офтобдан яширди армон сояси.
Тақдир қўлда ўйнар туйғуларимни,
Яна нураб битди умид қояси.

Лекин мен биламан, соғинчнинг ўзи,
Мен ҳақда дostonлар ўқийди ҳали.
Тарқалиб кетади гумон тумани,
Тунд дилни ёритар офтоб машъали.

Бир куни унади орзу чечаги.....



ҚАЛДИРҒОЧГА

Қаютигда орзуларим бор,
Кел, уларни кучогимга соч.
Оппок гуллар эккан баҳордай,
Юрагимга келгин, қалдирғоч.

Қапалаклар кезганда хушхол,
Ҳисларимни ювганда зилол,
Кокилларин ёйса мажнунтол,
Юрагимга келгин, қалдирғоч.

Яшнаб кетди ҳар бир тоғу боғ,
Булбулларнинг яна вақти чоғ,
Қизгалдоқдан териб бир кучок.
Юрагимга келгин, қалдирғоч.

Нур ўлганда тонг пешонасин,
Кучармисан кўк остонасин,
Тарк этганда дил майхонасин,
Юрагимга келгин, қалдирғоч.

Қаютигда орзуларим бор,
Гузалликнинг эшикларин оч.
Оппок гуллар эккан баҳордай,
Юрагимга келгин, қалдирғоч.



ЎН САККИЗНИНГ КЎЧАСИДА

Ойдин тунда туйгулардан сармаст бўлиб,
Ишк боғида ширин хаёл сурганмисиз?
Ҳар чечакда мухаббатдан сўз ўргатиб,
Ўн саккизнинг кўчасидан юрганмисиз?

Армонларга, гумонларга гуллар тутиб,
Қийноқларда қолганми дил ғамлар ютиб?
Титроқ лаблар айтолмаган сўзни кутиб,
Ўн саккизнинг кўчасидан юрганмисиз?

Шивирлашиб шаббодалар ўйнаганда,
Ширин ҳислар бўстонидан сўйлаганда,
Соғинч ҳижрон осмонидан бўйлаганда,
Ўн саккизнинг кўчасидан юрганмисиз?

Кўнгил гулзор, кўрса кўзлар камашади,
Ойжамоллар кокилларин тарашади,
Шўхликлар ҳам унга жуда ярашади,
Ўн саккизнинг кўчасидан юрганмисиз?

Юрак билан суҳбатлашиб, ўйга толиб,
Чарх айланар дилни турфа куйга солиб,
Мухаббатнинг чаманидан ғунча олиб,
Ўн саккизнинг кўчасидан юрганмисиз?



ЛОЛАҚИЗГАЛДОҚ

О, сен ранглари алвон,
Баҳордан дарак.
Бокиб волаю хайрон,
Сайр этар юрак.
Сирғалиб оқ рўмоли,
Маҳлиё тоғлар.
Гўзал кўклам жамоли.
Интизор чоғлар.
Кўкда куёш нур сочиб,
Олам нурафшон.
Бугун ишқдан кўз очиб,
Қирлар бағри қон.
Майсалар ҳам ийманиб,
Бўй чўзар аста.
Чаманзорлар жилмайиб,
Гул тутар даста.
Сенга талпинар дилим,
Кўй, кетма йироқ.
Муҳаммад суйган гулим,
Лолақизгалдоқ.



ШОИРЛАР ҚАРИМАС ЭКАН

Ўзгача шукуҳ бор, ўзгача сурур.
Қалб чамани гўё бепоён осмон.
Унда бўй таратиб райҳонлар турур,
Нақадар сирлидар бу гўзал майдон.
Мунаввар ғамлари аримас экан,
Шоир деганлари қаримас экан.

Кулгудан бир парча, хундан битта байт,
Унда безовталиқ сабр аралаш.
Хаёлим нашъадан масрур бўлган пайт,
Уларнинг барини қийин саралаш.
Сохталиқ нелигин танимас экан,
Шоир деганлари қаримас экан.

Етмишда ҳам гўё қалби етти ёш,
Денгизу сойлардек жўшқин ва тетик.
Қучоғи аланга, кўзлари қуёш,
Рухидан томчиган ҳаётбахш битик.
Бир байти ҳаётда ўнта дарс экан,
Шоир деганлари қаримас экан...



КИПРИГИМДА ШАБНАМ

Муҳаббатдан майсазор бўлса,
Мен уларни кучоқлаб ётсам.
Шодликларга юрагим тўлса,
Мен уларни ушоқлаб отсам.

Умид дарё- ёйилиб оксам,
Чўмилардим конгунча хумор.
Кимдир менга суқланиб боқса,
Ишк маржони бўлар кўзтумор.

Ҳаёт йўлдир синовга тўла,
Орзуларим кутар бекатда.
Кипригимда шабнам кулади,
Мақсадларим бўйимдан катта.

СОҒИНИШ

Кўнгилда ишқ гули очилди қийғос,
Шабнам япроғида титрайди наҳор.
Гоҳи қизғалдоқни сўроқлаб бир оз,
Сени соғинаман келганда баҳор.

Йўлимиз бошқадир, манзиллар йирок,
Қачон келади деб кўзларим мушток,
Бир бор гул тутмаган қўлларинг, биров,
Сени соғинаман келганда баҳор.

Бодомнинг гулида кўз очса баёт,
Кўкда қалдирғочлар ёзганда қанот,
Юракнинг пойида айлабон фарёд,
Сени соғинаман келганда баҳор.

Фурурим бош эгиб, ўксинди дилим.
Нигоҳлар олисга масъум боқар жим.
Қалбимда айтилмай қолган бир сирим,
Сени соғинаман келганда баҳор,
Сени соғинаман келганда баҳор...

МУНДАРИЖА

<i>Жонимсан, Ватан</i>	4
<i>Севаман</i>	5
<i>Қишлоғим</i>	6
<i>Она мадҳи</i>	7
<i>Суянч тоғим</i>	8
<i>Хуш кўрдик, баҳор!</i>	8
<i>Болалик</i>	9
<i>Чизгилар</i>	10
<i>Тонг севинчи</i>	11
<i>Куз манзараси</i>	11
<i>Шукрона</i>	12
<i>О, Най!</i>	13
<i>Бинафшага</i>	14
<i>Тун кўшикида</i>	15
<i>Умид</i>	16
<i>Наврўзим</i>	17
<i>Шеърят</i>	18
<i>Тун ва тонг</i>	19
<i>Бир қуни</i>	20
<i>Кўкниқучиб</i>	21
<i>Битирувчиларга</i>	22
<i>Илинж</i>	23
<i>Орзу чечағи</i>	24
<i>Қалдирғочга</i>	25
<i>Ўн саккизнинг кучасида</i>	26
<i>Лолақизгалдоқ</i>	27
<i>Шоирлар қаримас экан</i>	28
<i>Кипригимда шабнам</i>	29
<i>Согиниш</i>	30

Адабий-бадiiй нашр

ОРЗУ ЧЕЧАГИ

Шеърлар

Муҳаррир А.Содиқов

Техник муҳаррир Н. Ҳошимов

Дизайнер О. Фозилова

Нашриёт лицензияси АІ № 162. 2009 йил 14 август.

Теришга 11.09. 2012 й. да берилди.

Босишга 15.11. 2012 й. да рухсат этилди.

Бичими 84/108^{7/8}. Офсет босма. «Times» гарнитураси.

Шартли б.т. 2.5 Нашр-хисоб т. 2.0.

Адади 500 нусха. Букюртма №65/2

«ФАРҒОНА» нашриёти 150100. Фарғона шаҳри.

Сохибкирон Темур кучаси, 28-уй.

«SIRIUS-MEDIA» МЧЖ босмаҳонаси.

100100, Тошкент шаҳар, Бобур кучаси, 4.

Лиш. № 10-2454. 2011 йил 16 май.